
Йўл қоидаларини бузган шахслардан жарималар ундирилмоқда

Бюронинг Ўзбекистон туман бўлими томонидан йўл ҳаракати қоидаларини бузган шахслардан жарималар ундириш билан боғлиқ ижро ҳужжатлари ижросини таъминлаш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, жорий йилнинг ўтган 6 оyi давомида бўлим иш юритувида жами 2781 та 786 млн. сўмлик ижро ҳужжатлари мавжуд бўлиб, олиб борилган тадбирлар натижада 1348 та 360 млн. сўмлик ижро ҳужжати тамомланди.

Ижро ҳаракатлари давомида 313 млн. сўмлик жарималар мажбурий тартибда ундирилди.

Хусусан, бўлим томонидан 18 марта йўл ҳаракати қоидалари бузган ҳуқуқбузар қарздор А.Ж.дан жами 4 млн. 601 минг сўм маъмурий жарима давлат фойдасига тўлиқ ундирилди.

2022-07-28 16:30:18